

ВАЛЮТА БОЗОРИДА ОЛДИ-СОТДИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2021 йил 9 январидан ички валюта бозорида валюта олди-сотди операцияларининг амалга оширилишини янада такомиллаштириш борасидаги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган валюта интервенциялари стратегияси” тасдиқланди. Қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 15 февралидан бошлаб ички валюта бозорида амалга ошириладиган валюта олди-сотди савдолари бўйича қуйидагилар жорий этилади:

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида савдо сессиялари амалдаги “фиксинг” усулидан “колл аукцион” ва икки томонлама узлуксиз аукцион “мэтчинг” савдо усулларига ўтказилиши;

валюта биржасида валюта олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китобларнинг



ҳозирда мавжуд Т+0 (бугунги иш куни) Т+1 (кейинги иш куни) шаклига ўтказилиши;

тижорат банкларининг валюта биржаси савдоларида мижозлар номидан иштирок этиш амалиётидан воз кечган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар билан валюта операцияла-

рини тўғридан-тўғри валюта позицияси орқали амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, Марказий банкнинг валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун чет эл валюталарининг сўмга нисбатан расмий курслари учун чет эл валюталарининг сўмга нисбатан расмий курслари кунлик белгиланади ва ҳар бир иш куни соат 16:00 да Марказий банкнинг расмий веб сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда эълон қилиб борилади.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар ички валюта бозорининг инфратузилмасини такомиллаштириш, валюта курсининг шаклланишида тижорат банкларининг ролини янада ошириш ҳамда тадбиркорларнинг маблағларини зарур бўлган валюталарга тезкор равишда алмаштириш имкониятини яратди.

АҚШнинг “Global Finance” журнали DBS (The Development Bank of Singapore) банкни “2020 йилдаги дунёнинг энг яхши банки” деб эълон қилди. Ғолибни аниқлашда унинг ўтган йилги фаолияти ва бошқа мезонлар, обрўси, бошқарувнинг мукамаллиги, рақамли трансформацияда етакчилик, ижтимоий масъулияти эътиборга олинди.



DBS — ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ БАНКИ

ни кўрсатади, банкнинг барқарорлигини оширади, мижозлар талабининг кучайиши шароитида ўз фаолиятини жонлантиришга ёрдам беради.

Банк 1968 йил 16 июлда Сингапурнинг ривожланиш банки (Сингапур тараққиёт банки) номи билан ташкил этилган.

DBS банки сўнгги ўн йил ичида рақамли технологияларга катта маблағ киритди ва инклюзив ҳамда самарадор банк маданиятини яратди. Ушбу сармоялар иқтисодий беқарорлик ва юқори кредит хатарлари даврида ўз самараси-

Уни яратиш ғояси голландиялик иқтисодчи Алберт Винсемиус бошчилигидаги Сингапурда саноатни ривожлантириш имкониятларини ўрганиш бўйича БМТ миссияси томонидан илгари сурилган.

1994 йилга келиб ак-

тивлари бўйича Жанубий-Шарқий Осиёдаги энг йирик банкка айланди. (39,3 миллиард АҚШ доллари). Осиёдаги молиявий инқироз кўплаб банкларни

оғир аҳволга солиб қўйди. DBS бундай имкониятдан фойдаланиб, Таиланд, Индонезия, Филиппин ва бошқа мамлакатлардаги банклардан муҳим активларни харид қилди.

1998 йилда эса почта алоқаси жамғарма банкни сотиб олиб, банкматлар тармоғининг ҳажми бўйича Сингапурдаги энг йирик банкка айланди. Гонконг бозорига 1992 йилда маҳаллий банклардан бирининг 10 фоизли улушини сотиб олиш орқали кирган. 2007 йилда Яқин Шарқдаги шариатга зид бўлмаган банк

ДУНЁ БАНКЛАРИ

хизматларини кўрсатишга йўналтирилган “Осиё ислом банки” ёрдамчи банкни ташкил қилди.

2017 йилда активлари

бўйича ўз мамлакатига биринчи, дунёда 75-ўринни эгаллади.

Ана шу тариқа дунё молия бозорини забт этишга уриниб келаётган мазкур банк компаниясининг бугунги кундаги шахсий капитали 49,802 миллиард АҚШ долларини, соф фойдаси 4,504 миллиард долларни, активлари 517,71 миллиард долларни ташкил қилади. Дунё бўйлаб 100 дан ортиқ тармоқлари мавжуд бўлиб, жами 25 минг нафарга яқин ишчи-ҳодимлар фаолият кўрсатмоқда.

Н. ТЎХТАМАТОВА
тайёрлади.



«Hamkorbank» АТБ корпоратив нашри

NEWS

www.hamkorbank.uz

2-сон

2021 йил, февраль

Мамлакат банк-молия тизимидаги муҳим воқеликлар, ўзгаришлар

НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ШАРХ ТАЙЁРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020 йил якунларига доир “Нақд пул муомаласи бўйича қисқача шарх” тайёрланди.

Мазкур шарҳда нақд пул айланмалари динамикаси мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий ҳолатдан келиб чиқиб, жумладан, пандемия шароитида жорий этилган карантин даврида иқтисодий фаолликнинг пасайиши ва карантиндан сўнг қайта жонланиши таъсирида шаклланди.

АСОСИЙ ФОИЗ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИ



Жорий йилнинг 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг йиғилиши ўтказилди. Унда асосий фоиз ставкасини йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Банк хизмати истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори рўйхатдан ўтказилди.

БАНК ВА МИЖОЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ОЙДИНЛАШУВИ

Қарорга мувофиқ мижозлар масофадан шартнома шартлари билан танишадилар. Банк омонатчи олдидан ўз ходимининг ҳаракатлари учун жавобгар бўлади. Банк ўзининг интернет-банкнинг тизимида ва ёки мобил иловасида истеъмолчи учун шахсий кабинет яратиши ва



истеъмолчига унинг шахсий кабинетида у билан тузилган омонат депозит шартномаларига доир маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериши шартлиги белгилаб қўйилди. Банк картаси эгаси “Pin-kod”ни ўзи теради. Банк филиали ёки унинг таркибий тузилмасида терминал орқали тўловларни амалга ошириш ёки банк картасидаги пул маблағини нақдлаштириш бўйича хизмат кўрсатганда банк картасини тақдим этувчига ушбу картанинг “Pin-kod”ини мустақил теришга имконият яратиб бериш талаби киритилди. Қарорга мувофиқ мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари жорий

этилади. Низомга банк кредит талабларидан келиб чиққан ҳолда қарз олувчининг кредитнинг қопланмаган қисмидан ортиқ суммада гаров таъминоти суммасини камайтириш ҳуқуқи, шунингдек, гаров таъминотини камайтириш тартиби ва усулларини акс эттириши шартлиги тўғрисида норма киритилди. Мазкур низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар банк хизматлари ва истеъмолчиларининг банклар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда банк хизматларидан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган турли тушунмовчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

ID КАРТА ЁКИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ ЁРДАМИДА БАНК ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори 2021 йилнинг 26 январидан 3285-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди. Ҳужжатга асосан, Ўзбекистон Республикаси Марка-



зий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган 7 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли

ўзгартиришлар киритилиб, унда фуқаролар паспорти билан бир қаторда идентификация карта ёки миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ёрдамида банк хизматларидан фойдаланишлари мумкинлиги белгиланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга киритилган ўзгартиришлар банк билан мижоз ўртасида шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини тақдим этиш билан боғлиқ тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Миллий матбуот марказида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда тижорат банкларини хусусийлаштириш борасида белгиланган устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



ЯНГИ ОНЛАЙН ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТНИНГ ТЕХНИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Марказий банкда тижорат банклари ходимлари иштирокида “Давлат уй-жой дастурлари мониторинги” онлайн дастурий таъминотни амалиётга татбиқ этишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Унда Марказий банк томонидан яратилган мазкур электрон дастурий таъминотнинг техник имкониятлари ҳамда даврий ҳисоботларини автоматлаштиришдаги аҳамиятига тўхталиб ўтилди. Хусусан, бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситаларини таъминот сифатида олиш жараёнида Ипотека ва гаров тўғрисидаги шартномаларни расмийлаштириш тартиблари тушунтирилди. Шу билан бирга, гаровдаги мол-мулкка нисбатан тижорат банклари томонидан гаров реестри электрон сайти орқали онлайн тақиқ кўйиш ва ечиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Семинар-тренингда Ипотека кредити ажратилган, доимий иш ва даромад манбаига эга бўлмаган мижозларнинг бандлигини таъминлаш механизмини амалга оширишда тижорат банклари тегишли тавсиялар берилди.

“НАМКОРБАНК” САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ХАЛҚАРО VISA ТЎЛОВ ТИЗИМИ ТОМОНИДАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

“Hamkorbank” АТБ Visa нинг ишончли ҳамкори сифатида янги турдаги халқаро пластик карталарини Ўзбекистонда жорий этишда самарали иштирок этиб келмоқда.

Ҳамжихатликдаги чоратадбирлар сабаб “Hamkorbank”га Республика банклари орасида биринчи бўлиб аҳоли ўртасида оммалашиб улгурган Visa-Virtual рақамли картасини тақдим этиш имконияти яратиб берилди. Албатта, бундан кейин ҳам биргаликда янги марраларни забт этамиз ҳамда карта ва тўлов борасидаги инновацион янгилликларни амалиётга татбиқ этишга астойдил интиламиз.



“НАМКОРБАНК” ЎЗ ОМОНАТЧИЛАРИГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ — ФОЙДАНИ ЎЗИНГИЗГА ҚУЛАЙ ЖОЙДА БОШҚАРИНГ!

Омонатнинг фоизларини олиш, ҳисобни тўлдириш ёки омонатни ёпиш учун “Hamkorbank” АТБ нинг исталган офисига мурожаат қилишингиз мумкин. Эндиликда омонат очилган филиалга боришга ҳолат йўқ. Банкнинг барча офисларида сиз учун зарур бўлган амалиётлар бажариб берилади. “Hamkorbank”нинг 30 йиллиги муносабати билан тақдим этилаётган янги омонатни очишга шойлининг:

Муддати: 18 ой;

Йиллик 20 фоиз;

Миқдори: 1 000 000 сўмдан бошланади;

Омонат билан боғлиқ операцияларни ўзингизга қулай офисда амалга оширишингиз мумкин.

Эътиборлиси, омонатнинг ушбу турини чекланмаган миқдорда тўлдириш имкони мавжуд. Демак, маблағингиз сиз кутгандан-да зиёдроқ ўсиши таъминланади.

“Hamkorbank” – 30 йил сиз билан бирга!

“Hamkorbank” АТБнинг “Пойтахт” банк хизматлари офиси 2021 йилнинг январь ойида расман ўз фаолиятини бошлади. Ўтган икки ой давомида эришилган натижалар узоқ йиллик тажриба давомида қўлга киритилган ютуқлар каби юқори рақамларда акс этган. Бу ерда фаолият юритаётган 7 нафар ходимнинг барчаси универсал хизмат кўрсатиши билан ажралиб туради.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЯНГИ “ПОЙТАХТ”

“Пойтахт” мақоми ва хизматлар кўлами жиҳатидан деярли филиал даражасида. Офисда юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Шу кунгача 20га яқин юридик шахслар, 200 дан ортиқ жисмоний шахслар мижоз сифатида жалб қилинди, 100 дан ортиқ пластик карталар очилди. Кунига 50-70 нафар мижозга турли банк хизматлари кўрсатилляпти. 4 нафар юридик мижозга жами 1



миллиард 200 миллион сўм, 70 нафар жисмоний шахсларга 1 миллиард 820 миллион сўм миқдоридаги кредитлар тақдим этилди, 3,5 миллиард сўм депозит маблағлари ҳам қабул қилинди.

Республикаимиз пойтахтининг қоқ марказида жойлашган бу кичик молия муассасамиз фаолиятининг илк даврлариданоқ ён-атрофидаги бошқа банклар билан рақобатга киришди. Аслида бугунги кун моҳияти ҳам шундай. Рақобатда бардошли бўлиш ва енгиб чиқиш. Бу қоидага амал қилаётган офисимиз ходимлари 500 метрлик ҳудудда жойлашган 4 та банк билан ўзаро рақобатдош бўлишга ва мижозлар эътиборини қозонишга ҳаракат қилмоқда. Ходимларнинг сифатли хизматлари туфайли битта мижоз ортидан 5-6 та мижоз ташриф буюраётгани ҳам ҳақиқат.

Умид қиламизки, Шароф Азимов бошчилигидаги жамоамиз тез орада пойтахтда ўз ўрнини топади ва катта натижаларга эришади.

Муножот ВАҲОБОВА,
офис якуний назорат ходими

МИЖОЗЛАР УЧУН ФАҚАТ ҚУЛАЙЛИК

“Hamkorbank”нинг Жиззах филиали 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб фаолиятини 13 нафар ходим билан бошлаган. Бугунги кунга келиб 47 нафар ходим билан 18 мингдан ортиқ мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Филиалда жисмоний шахслар учун бериладиган микроқарз, ипотека, истеъмол, автокредит ва бошқа бир қанча хизмат турларига талаб юқори.

Тезкор кредитлаш мақсадида жорий этилган Андеррайтинг тизими самарадорлиги ва қулайлиги билан мижозларга маъқул бўлмоқда. Бунда мижоз дастлаб кредит менежерига учрайди, ҳужжатлар кўриб чиқилгач, андеррайтерга берилади. Бу тизим орқали кредит тўловига



асос бўладиган маълумотлар аниқланади, сўнг кредит амалиёти бажарилади. Бугунгача жисмоний шахсларга 59 миллиард 230 миллион 293 минг сўмдан, 1 минг 440 нафар юридик мақомга эга мижозларга эса 112 миллиард 068 миллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Филиалнинг энг йирик мижози “НУАХИН СЕМЕНТ ЛІЗЗАКХ” масъулияти чекланган жамиятидир. Иқтисодиётни ривожлантириш,

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда истикболли лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида жорий йилнинг январь-февраль ойида 95 нафар мижозга микро, кичик ва ўрта, йирик кредитлар, тадбиркорларнинг шахсий эҳтиёжлари учун 14 миллиарддан ортиқ кредитлар тақдим этилди.

Баҳромжон ИСОҚОВ,
Корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.